

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАНАЗАРОВА НАСИБА ЖЎРАЕВНА

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Маманазарова Насиба Жўраевна

Суғориладиган ерларда мелиоратив
тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари..... 3

Маманазарова Насиба Жураевна

Пути повышения эффективности мелиоративных
мероприятий на орошаемых землях..... 27

Mamanazarova Nasiba Jurayevna

Ways to improve the efficiency of melioration
measures on irrigated lands..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАНАЗАРОВА НАСИБА ЖЎРАЕВНА

**СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt1977 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат техника университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyoune» Ахборот таълим порталида (www.ziyoune.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоҳўжаева Зебо Сафоевна,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Маждович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Сангирова Умида Равшановна
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «6» Вектор соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (388 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45)

Диссертация автореферати 2025 йил «20» НОЯОР кун тарқатилди.
(2025 йил «20» 11 даги 23 рақамли реестр баённомаси)



К.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
коғиби, и.ф.ф.д (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ер юзида содир бўлаётган глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислигининг кескинлашиши, ер ва сув ресурсларининг камайиш тенденцияси, яйловлар деградацияси ва чўлланиш даражасининг кучайиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий ўринга эга қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, дунё давлатларида, жумладан, республикамизда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва фойда даражасини ошириш каби муҳим ташкилий-таркибий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги вазифаларни ҳал этиш, биринчи навбатда, ер-сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Зеро, “дунёда инсонлар эҳтиёжларини қондиришда ер ресурслари асосий ишлаб чиқариш воситалардан бири бўлиб, у 95%дан ортиқ озиқ-овқат, асосий кийим-кечак ва барча турдаги ўрмон маҳсулотлари билан таъминлайди”¹.

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан инновацион технологиялар асосида самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва бозор талабларига мос рақобатбардош органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган кенг кўламли илмий-амалий тадқиқот изланишлари олиб борилмоқда. Масалан, АҚШда маҳсулот етиштирувчиларни ер солиғи бўйича рағбатлантириш механизмлари, Норвегияда қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқ унумдорлигини баҳолаш ва оширишга сарфланган инвестициялар самарадорлиги, Хитойда ер унумдорлигини оширишни рағбатлантириш ва ер сифатини пасайтирганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш, Туркия ва Россияда мелиоратив дастурларни амалга оширишни янада такомиллаштиришга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда.

Сўнги йилларда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган суғорма экин ерлари ва улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Яъни, 25,3 млн гектарга яқин қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг фақатгина 4,3 млн гектари (16,9%) суғориладиган ерлардир. Мавжуд жами сув ресурсларининг ўртача 90-91%и қишлоқ хўжалиги, 4,5%и коммунал-маиший соҳа, 1,4%и саноат, 1,2%и балиқчилик, 0,5%и иссиқлик энергетика ва 1%и иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилади. Жами суғориладиган ерларнинг 45,3%и турли даражада, шундан 31,1%и кучсиз, 12,2%и ўртача, 2%и эса кучли даражада шўрланган, шунингдек, 24,4% майдонда ер ости сув сатҳи 2 метр ва ундан юқорида бўлиши башорат қилинаётган ҳозирги пайтда ва айниқса келажакда, суғориладиган ерлардан фойдаланиш харажатларини камайтириш ва самара-

¹Young, A., 1998. Land Resources—Now and for the Future. Cambridge University Press, Cambridge.

дорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июнь ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги экин ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича кўплаб маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан турли даражада эътиборга лойиқ илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ушбу муаммолар МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари С.Бороздин, В.Вильямс, В.Дворников, Н.Коваленко, П.Кухтин, А.Левов, В.Лобанов, Н.Попов, Г.Петранева, О.Сёмкина, М.Цыпкиннинг илмий ишларида кенг ёритилган³.

Ўзбекистонда суғорма ерлардан фойдаланиш ва мелиорация тадбирлари самарадорлигини ошириш йўллари ва баҳолаш усуллари, ирригация тизимини такомиллаштириш муаммолари ва услубий амалий ечимлари А.А.Абдуғаниев, А.С.Алтиев, Т.Н.Иминов, Г.Ж.Жумаева,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси” тўғрисидаги ПФ-6024-сон Фармониغا 1-илова.

³ Бороздин С.В., Вильямс В.С. Земельные отношения и аграрные реформы. – М., 2002. -239 с., Дворников В., Цыпкин М. Оценка земель сельскохозяйственных предприятий. – М.: ЮНИТИ, 2000.-119 с., Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. –М.: ЮНИТИ, 1999. -448 с., Кухтин П.В., Левов А.А., Лобанов В.В., Сёмкина О.С. Управление земельными ресурсами. – СПб.: Питер, 2005. – 384 с., Попов Н. Стимулирующая роль кадастровой экономической оценки сельскохозяйственных угодий. Докл. Российской академии сельскохозяйственных наук. 2004.№1-с 20-21., Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Академия, 2003.

Б.Ф.Султонов, С.Р.Умаров, Ш.Т.Хасанов ва З.С.Шохўжаева каби кўплаб маҳаллий иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.⁴

Таҳлиллар кўра, юқорида қайд этилган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари Қашқадарё вилоятида рақамли иқтисодиёт шароитига мос равишда етарлича ўрганилмаган, суғориладиган ерларда амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар самарадорлигини баҳолаш ва оширишда замонавий модел ва воситалардан фойдаланиш усуллари, ердан фойдаланувчи субъектларнинг ўзаро интеграция ва кооперация муносабатлари бугунги кун талабларига мос тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ер ресурсларини тақсимлаш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий-норматив асосларини бозор механизмлари ва рақамли технологияларга мос такомиллаштиришнинг зарурияти ушбу тадқиқот иши мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат техника университети илмий-техника дастури доирасидаги 2024-2026 йиллардаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-2: “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси ва АЛ-7823051503 рақамли “Сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш платформаси ва онлайн мониторинг тизимини жорий этиш” 78-тур “Олима аёллар” ташаббускор амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган ерларда мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган ерлар, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларидаги ўрни ва назарий асосларини ўрганиш;

самарадорлик категориясининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш ва суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш;

⁴Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. - 304 б., Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. – Т.: Фан, 2018. Монография - 274 б., Иминов Т.Н. Суғориладиган ерларда ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.ф.д.(PhD) илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. 2020 й., Г.Ж.Жумаева. Янги ерларни ўзлаштириш, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. - 2000 й., Султонов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. автореферати, 2020. - 32 б., Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. автореферати. -Т.: 2017. – 73 б. Хасанов Ш.Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм.дараж.олиш учун ёзил. дисс. – Тошкент, 2017.- 242 б., Шохўжаева З.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари. – Т.: 2020. Монография. – 117 б.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан республика қишлоқ хўжалигида фойдаланиш йўллари бўйича тавсиялар бериш;

Қашқадарё вилояти мисолида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва омилларини таҳлил қилиш, уларнинг суғориладиган ерлар самарадорлигига таъсирини баҳолаш;

инновацион технологиялар асосида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш;

иқлим ўзгаришлари шароитида тупроқ унумдорлиги ва фитомелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

суғорма ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда эконометрик модел ва усуллар ёрдамида ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларининг 2029 йилгача прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерлардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини суғориладиган ерларда амалга ошириладиган мелиоратив тадбирларда иштирок этувчи функционал ўзаро боғлиқ субъектлар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида таққослаш, монографик ўрганиш, қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорацияси билан боғлиқ мавжуд назарий қараш ва қоидаларни танқидий ўрганиш асосида “қишлоқ хўжалиги яроқли мелиорация самарадорлиги” тушунчаси илмий асосланди ва мелиорация самарадорлик кўрсаткичлари тизими такомиллаштирилди;

суғориладиган ерларнинг капитал билан таъминланганлик даражасини табақали баҳолаш мақсадида “суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал таъминоти коэффициенти” таклиф қилинди;

шўрга чидамли, тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва ишлаб чиқарувчига иқтисодий самара берувчи экинлардан фойдаланиш ҳисобига тупроқ мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда “фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш механизми” тавсия этилди;

Қашқадарё вилоятида экин ерлари мелиоратив ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган пахта ва дон етиштириш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг 2025-2029 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигига яроқли экин ерлари мелиорация самарадорлигини иқтисодий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, техник ва экологик кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш тавсия этилган;

экинлар айланмасида самарадорлиги юқори бўлган ўсимликлар, масалан, ширинмия ва мевали дарахтлар тупрокни қайта тиклаш, биологик фаоллигини ошириш ва эрозияга қарши курашишга ёрдам бериши асосланган;

инновацияларга асосланган мелиоратив тадбирлар суғориладиган ерларда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сув сарфини камайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш имкониятини яратувчи муҳим ташкилий-иқтисодий омил эканлиги амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ва монографик кузатув натижалари, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг синовдан ўтганлиги, илмий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда асослаб берилган ва қўлланилган моделлар қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни яхлит ҳолда ўрганиш, аграр сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини келгусида башорат қилиш ва мақбул ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун қабул қилинган қарорларни ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, республикада янги хўжалик юритиш тизими – агрокластерлар ташкил этишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”, “Яшил иқтисодиёт”, “Атроф муҳит ва табиий ресурслар иқтисодиёти” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган ерларда мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорацияси билан боғлиқ назарий қоидалар таҳлиллари асосида “Қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорация самарадорлиги” тушунчаси иқтисодий моҳиятини ва самарадорлик кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 ноябрдаги №05/06-04-398-сонли маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорация самарадорлиги кўрсаткичлар тизими иқтисодий, экологик, техник, ижтимоий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари орқали баҳолаш мумкин. Улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва ижтимоий шароитларни яхшилашга

қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш имконини берувчи “Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал таъминоти коэффиценти” амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 ноябрдаги №05/06-04-398-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида Қашқадарё вилоятида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларига сарфланадиган капитал миқдорини аниқ баҳолаш имкони бўлади. Ерларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун қай даражада инвестиция киритиш зарурлигини кўрсатиб беради ҳамда иқтисодий ва техник кўрсаткичлар таҳлили асосида қишлоқ хўжалиги ерларида самарали ва барқарор фаолият олиб боришга замин яратади;

шўрға чидамли, тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва ишлаб чиқарувчига иқтисодий самара берувчи экинлардан фойдаланиш ҳисобига тупроқ мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда “фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш механизми” амалиётга жорий этиш тавсия этилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 ноябрдаги №05/06-04-398-сонли маълумотномаси). Ушбу механизм Қашқадарё вилоятида шўрланган ерларнинг тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлиб, бунда ишлаб чиқарувчига ҳам иқтисодий фойда келтириши билан аҳамиятлидир. Чунки, ушбу механизм фитомелиоратив тадбирлар орқали тупроқ сифатини ошириш ва сув тежамкорликни таъминлаш, уруғчилик тизими, агротехника, дренаж ва ротация тадбирлари асосида маҳсулот етиштирувчи субъектлар фаолиятида қўшимча фойда олишга хизмат қилади;

Қашқадарё вилоятида экин ерлари мелиоратив ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган пахтачилик ва ғаллачилик фаолияти иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг 2025-2029 йилгача давр учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 12 ноябрдаги №05/06-04-398-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этиш Қашқадарё вилояти экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшиланиши, жумладан, қишлоқ хўжалигида суғориладиган умумий ер майдонига нисбатан шўрланган ерларнинг йиллар кесимида ўртача 1 фоизга қисқариши натижасида, пахтачиликда фойда маржаси кейинги беш йилда 6,2 фоизга етиб, ўртача ўсиш суръати 5,8 фоизни ташкил этади ҳамда 2029 йилда 2025 йилга нисбатан 1,33 баробарга ортиши таъминланади. Ғаллачиликда эса фойда маржаси кейинги беш йилда 40,7 фоизга етиб, ўртача ўсиш суръати 4,74 фоизни ташкил этади ҳамда 2029 йилда 2025 йилга нисбатан 1,26 баробарга ортиши таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижаларининг асосий илмий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 3 та, халқаро журналларда 2 та, импакт факторли журналда 4 та ва 1 та скопус базасидаги конференцияда илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқот илмий янгиликлари, амалий натижаларининг аҳамияти ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, суғориладиган ерларнинг капитал таъминотини баҳолаш услубиёти, суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва уларни мамлакат қишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятлари бўйича тавсиялар берилган.

Мелиорация ташкилий-иқтисодий ва техник-технологик тадбирларни ўз ичига олиб, мелиорация лойиҳалари ва ихтисослашган ташкилотлар, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларидан фойдаланиш хизмати ва малакали мелиоратор кадрлар тайёрлаш каби вазифаларни бажаришни тақозо этади. Шу билан бирга, мелиорациянинг асосий вазифаси бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали ўсимлик учун зарур бўлган сув, ҳаво, иссиқлик, ёруғлик ва озикланиш режимини таъминлашдан иборат. Республикамиздаги шўрланмаган ерлар жами суғориладиган ерларнинг 52%ини, кам шўрланган ерлар 31%ни, ўртача шўрланган ерлар 14%ни ва кучли шўрланган ерлар 3%ни ташкил этади. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткичлар мос равишда 57%; 34%; 7% ва 2%ни ташкил этган. Бундай ҳолатда албатта ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва дастурлар ишлаб чиқишни талаб этади

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг ер мелиорацияси бўйича илмий қарашлари ва таърифларини ҳисобга олган ҳолда, бизнингча, қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорацияси самарадорлигини баҳолашда *“Қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорация самарадорлиги”* тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ. Зотан, қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорация – бу

табiiй-иқлимий, гидрологик, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг маҳсулдорлик салоҳиятини сақлаш ва оширишга хизмат қилувчи, экологик мувозанатга таянадиган, иқтисодий жиҳатдан мақбул ва ижтимоий жиҳатдан қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлган мелиорация турлари йиғиндисидан иборат (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорациянинг илмий асослари ва муҳим таркибий йўналишлари⁵.

Демак, “Қишлоқ хўжалигига яроқли мелиорация” атамаси “ҳар қандай мелиорация эмас, балки ерларнинг агроэкологик шароитига мос, иқтисодий жиҳатдан мақбул, фермерга амалий татбиқ этишда қўл келадиган ва экологик хавфсиз бўлган мелиорация тури” деган илмий мазмун-моҳиятни англатади. Бу кўрсаткич ерларнинг умумий ҳолатини яхшилаш, табiiй ресурслардан тежамли фойдаланиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий шароитларни яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги мелиорация самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини ҳар бир йўналиш бўйича мос формулалар орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

⁵ Муаллиф томонидан таклиф этилган.

Суғориладиган ерлар мелиорация самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими⁶

1. Иқтисодий самарадорлик - мелиорация жараёнининг сарф-харажатлари ва ундан келиб чиқадиган фойдаларни солиштириш тушунилади. Яъни, ерларни мелиорация қилиш орқали ҳосилдорлик оширилса, бу жараён иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб баҳоланади.		
Ҳосилдорликни ўсиши	$Ho's = \frac{Mk - Mo}{Mo} \times 100$	Mk – мелиорация тадбирларидан кейинги ҳосилдорлик, ц/га Mo – мелиорация тадбирларидан олдинги ҳосилдорлик, ц/га
Мелиоратив сарфларнинг копланиш муддати	$Tqop = \frac{Mtsx}{F}$	$Tqop$ – мелиоратив сарфларнинг копланиш муддати, йил $Mtsx$ – мелиоратив тадбирларга сарфланган умумий харажатлар, сўм F – мелиорациядан кейинги йиллик фойда (яъни даромаддан харажатларни чиқариб ташлаш орқали олинadиган йиллик фойда), сўм
Даромаднинг ошиши	$Dosh = \frac{Mtkd - Mtod}{Do} \times 100$	$Mtkd$ – мелиорация тадбирларидан кейинги даромад, сўм $Mtod$ – мелиорация тадбирларидан олдинги даромад, сўм.
2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги ёки бошқа тармоқларда ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини аниқлашда қўлланилади. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш ҳажмини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш учун хизмат қилади.		
3. Экологик самарадорлик. Экологик самарадорликни аниқлашда сувни тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи сув манбалари ёки қишлоқ хўжалиги ерларига сув етказиш усуллариининг самарадорлиги, мелиорация жараёнининг тупроқ шўрланиши, эрозия ва унумдорликка таъсири баҳоланади.		
4. Техник самарадорлик - бу кўрсаткич амалдаги техника, ускуна ва технологияларнинг ишлаши орқали қанчалик кўп иқтисодий, экологик ва ижтимоий фойда келтиришини аниқлашга ёрдам беради.		
5. Ижтимоий самарадорлик орқали мелиорация ва қишлоқ хўжалиги фаолиятларининг жамиятга келтирадиган ижобий таъсири баҳоланади. Бу кўрсаткич қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиш ва умумий ривожланишига ҳисса қўиши каби ижтимоий натижаларни қамраб олади.		
Иш ўринларининг ўсиши	$Io'sh = \frac{Mk - Mo}{Mo} \times 100$	Mk – мелиорациядан кейинги иш ўринлари сони, бирлик Mo – мелиорациядан олдинги иш ўринлари сони, бирлик
Аҳоли даромадларининг ошиши	Қишлоқ хўжалиги соҳасида мелиорация тадбирларининг самарали ишлаши натижасида ҳосилдорлик ошади, бу эса фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг даромадларини ошишига олиб келади. Юқори даромадлар аҳолининг турмуш даражасини яхшилади ва ижтимоий фаровонликка ҳисса қўшади.	
Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш	Мелиорация ишлари билан таъминланган ерларда ҳосилдорлик ошади ва натижада озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб таъминланади. Бу аҳоли учун озик-овқат хавфсизлигини таъминлайди, турмуш даражасини оширади ва қишлоқ жойларда очлик ёки озик-овқат танқислиги хавфини камайтиради.	
Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш	Мелиорация жараёнлари инфратузилмани ривожлантиришга, жумладан, сув таъминоти, йўллар, ирригация тизимларини яхшилашга ёрдам беради. Бу қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитларини яхшилади.	
Аҳоли саломатлигига ижобий таъсири	Мелиорация тадбирлари ва замонавий агротехнологиялар қўлланилиши табиий ресурсларни тўғри бошқаришга ёрдам беради, бу эса аҳолининг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Тоза сув манбаларига бўлган талаб қондирилади ва тупроқ шўрланишининг олдини олиш аҳоли учун соғлом муҳит яратади.	

Диссертацияда мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларда сув ресурслари чекланганлиги сабабли ирригация-мелиорация тизимларини капитал таъминот орқали замонавий суғориш усуллари (томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш) жорий қилиш орқали сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга ёрдам бериши ва натижада ерларнинг унумдорлигини оширишга таъсир этувчи чора-тадбирларни таҳлил қилишга алоҳида ўрин

⁶ Муаллиф томонидан таклиф этилган.

ажратилади. Жумладан, мелиоратив тадбирлар, яъни, дренаж тизимларини ишга тушириш, шўрга чидамли экинларни экиш, тупроқ таркибини яхшилашга оид чора-тадбирлар экинлар ҳосилдорлиги ва ирригация тизимлари самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ерларнинг табиий унумдорлигини сақлаш ва экологик хавфсизлигини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирлар, ўз навбатида, етарли ҳажмда инвестициялар жалб қилиш ва бошқа молиялаш манбаларидан фойдаланишни тақозо қилади. Яъни, мелиоратив ҳолати ёмон ерларни капитал қўйилмалар билан таъминлаш юқори даражадаги самарадорликка эришиш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал билан таъминланганлик даражасига баҳо бериш имконини берувчи “суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг капитал таъминоти коэффиценти” кўрсаткичини қуйидаги формула ёрдамида аниқлашни таклиф этамиз⁷:

$$K_{um} = \sqrt[5]{K_{ft} * K_{et} * K_{tu} * K_{st} * K_{mo}} \quad (1)$$

Бу ерда: K_{um} – қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий капитал таъминоти коэффиценти; K_{ft} – асосий фондлар таъминоти коэффиценти; K_{et} – энергия таъминоти коэффиценти; K_{tu} – тупроқ унумдорлиги коэффиценти; K_{st} – сув таъминоти коэффиценти ва K_{mo} – минерал ўғитларни қўллаш коэффиценти.

Асосий фондлар таъминоти коэффиценти (фонд билан таъминланганлик коэффиценти)ни аниқлашда 1 га ерга сарфланган ҳақиқий фонд қийматини меъёрда белгиланган фонд қийматига нисбати орқали аниқланади, яъни:

$$K_{ft} = \frac{F_{haq}}{F_m} \quad (2)$$

Биз таклиф этган ушбу капиталнинг қопланиш коэффицентини ҳисоблаш формуласи фонд билан таъминланиш коэффицентини аниқлаш формуласидан фонд қиймати меъёрларига асосланганлиги билан фарқланади.

Энергия таъминоти коэффиценти 1 га ерга тўғри келадиган ҳақиқий ва меъёрий энергия сарфлари ўртасидаги нисбий фарқлар орқали ҳисобланади ҳамда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_{et} = \frac{A_f}{Y_m} \quad (3)$$

Тупроқ унумдорлиги коэффицентини аниқлашда у билан боғлиқ бир неча кўрсаткичлар асос қилиб олинади, яъни:

1) Моддий-минерал кўрсаткичлар асосида аниқлаш. Бу усул тупроқдаги азот, фосфор, калий каби асосий элементларнинг миқдори, нисбати ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини ҳисобга олади. Бу кўрсаткич у ёки бу экин тури экилган тупроқ кимёвий таркибини таҳлил қилиш орқали ундаги моддий ва минерал элементларнинг меъёрий миқдорини белгилашга ёрдам беради.

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида таклиф этилган

2) Биологик унумдорлик кўрсаткичи асосида аниқлаш. Бу кўрсаткич, ўз навбатида, тупроқдаги микроорганизмлар ва органик моддаларнинг парчаланиш даражасининг ҳосилдорликка таъсирини баҳолаш имконини беради. Биологик унумдорлик юқори бўлган тупроқлар юқори ҳосил олиш ва кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун хизмат қилади. Бу кўрсаткични аниқлаш учун тупроқнинг органик моддаларга бойлиги, микроорганизмлар фаолияти ва биологик ҳолатини ўрганиш талаб этилади.

3) Ҳосилдорлик кўрсаткичи асосида аниқлаш усули. Бу усул муайян экин тури экилган ер участкасидан олинган ҳосил ҳажми ёки унинг қиймати ва турли унумдорликка хос ерларнинг ҳосилдорлик даражалари ўртасидаги фарқ орқали ҳисобланган коэффицентни аниқлайди ва бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади, яъни:

$$K = \frac{H}{Mh} \quad (4)$$

Бу ерда: K - ҳосилдорлик кўрсаткичи коэффицентини;

H - муайян экин майдонидан олинган ҳосилдорлик, ц/га.

Mh - энг юқори унумдорликка эга ердан олинган максимал ҳосилдорлик, ц/га.

Тупроқ унумдорлиги коэффицентини қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий ҳолатини баҳолашда, экин турларини танлашда, мелиоратив чоратадбирларни ишлаб чиқишда ва ерларнинг самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Сув таъминоти коэффицентини эса қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{st} = \frac{M_{suv}}{Nm} \quad (5)$$

Бу ерда, M_{suv} – мелиорация давридаги сув таъминоти кўрсаткичи, %

Nm – меъёردаги намлик кўрсаткичи, %

Ўғит таъминоти коэффицентини 1 гектар ер майдонига сарфланган ҳақиқий ва меъёрий микдордаги ўғитлар ўртасидаги нисбий фарқ эътиборга олинади ва у қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{min\ o'g'it} = \frac{O'_{haq}}{O'_m} \quad (6)$$

Юқорида тавсия этилган барча коэффицентлар ва уларнинг таъсир даражасини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларининг интеграл капитал таъминоти коэффицентини аниқлаш тармоқлар кесимида ишлаб чиқаришнинг ресурслар билан таъминланганлик даражасини комплекс баҳолаш имконини беради. Мисол учун, $K_{fondq}=0,8$; $K_{enrg}=0,7$; $K_{yert}=0,9$; $K_{suv\ ta'm.}=0,6$; $K_{min.o'g'it}=0,75$ шартли рақамларга асосан тармоқнинг ресурс таъминоти даражасини қуйидаги формула ёрдамида баҳолаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни:

$$K_{um} = \sqrt[5]{0,8 \times 0,7 \times 0,9 \times 0,6 \times 0,75} = \sqrt[5]{0,2268} = 0,757$$

Ушбу формула асосида олинган натижа, масалан, агар, $K_{um}=1$ га яқин бўлса (0,9-1,0 атрофида), демак, ресурслар етарлича таъминланган, $K_{um}=0,7$ -

0,8 атрофида бўлса ўртача таъминланган ва $K_{um}=0,5$ ёки ундан паст бўлса ресурс таъминоти етарли эмас, деган хулосага келинади. Бизнинг мисолимизда $K_{um} = 0,757$ га тенг бўлиб, демак, танланган тармоқ 75,7% ресурслар билан таъминланган ҳисобланади.


Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу тавсия этилган услубий ёндашув муайян тармоқнинг ресурс таъминоти даражасини баҳолаш орқали ерларнинг мелиортив ҳолатини яхшилаш учун зарур инвестициялар ҳажмини аниқлаш ва тадбирлар бўйича режалаштириш имкониятини яратиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, диссертацияда экин ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида хорижий давлатлар, жумладан, Хитой ва Туркия тажрибаси ўрганилди, уларнинг республикамиз кишлоқ хўжалиги шароитига мос йўллари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг **“Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларида мелиоратив тадбирлар самарадорлиги таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати, унга таъсир этувчи омиллар, ерлар деградациясининг суғориладиган ерлар бонитет бали, яъни, унумдорлигига таъсири ҳамда суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалиётдан маълумки, экин ерлари унумдорлигига бир нечта омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Уларга, масалан, тупроқ таркибида гумуснинг камайиши, ботқоқланиш, чўлланиш, захарланиш, шўрланиш, сув ва шамол эрозияси ҳамда бегона ўтлар қоплаши кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, таҳлиллар кўрсатишича, вилоят миқёсида аксарият экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бу туманлар кесимида сув билан нотекис тақсимланиш ҳолатидир. Яхши таъминланган туманларда ҳар гектар майдонга олинган сув йилига 9100-12100 м³/га ни ташкил этган бўлса (Нишон, Касби ва бошқа), сув билан кам таъминланган ҳудудларда унинг миқдори 6400-9980 м³/га ни ташкил этган (Ғузор, Қамаш ва бошқа)⁸. Шунингдек, вилоят суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатига бугунги кунда сув таъминотидаги мавсумий узилишлар, экин ерлари тупроқ қатламининг агрокимёвий таркиби, иқлим шароити ва инсон омили кабилар таъсир кўрсатиб, ушбу жараёнда эса инсон омили барча омиллардан устун туриб, энг асосий омил сифатида баҳоланади.

Чунки, экинларни алмашлаб экиш схемаларига риоя қилмаслик, ерга ўз вақтида ишлов берилмаслиги, ўғит ва сувни меъёрдан ортиқча сарфлаш, эски, самарасиз суғориш технологияларидан фойдаланиш, сув ҳисобини юритмаслик, ўз вақтида шудгор қилмаслик, мелиорация ишларини амалга оширмаслик, тупроқни ифлослантириш, ер ва сув ресурсларини тақсимлаш бўйича малакали мутахассислар етишмаслиги, ҳисобот, мониторинг ва назорат тизимларининг заифлиги каби омиллар бевосита инсон омили таъсири остида содир бўлади. Шу сабабларга кўра, бизнингча, вилоятда кишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2-расм).

⁸ Д.А.Кувватов. Суғориладиган ерлар мелиоратив тартиботининг шаклланишини баҳолаш. Дисс. т.ф.ф.д., Т.: 2019, - Б. 61.



2-расм. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар тизими⁹

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолати кўйидаги 2-жалвалда келтирилган. Жадвал маълумотларига мувофиқ амалга оширилган қиёсий таҳлил натижаларига асосан, биринчидан, суғорма ерлар унумдорлиги даражасини қониқарли ва қониқарсиз гуруҳларга ажратган ҳолда уларга мос чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва иккинчидан, уларни амалга ошириш учун зарур бўлган инвестициялар ҳажмини аниқлаш лозим. Бизнингча, ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига салбий таъсир этаётган сабаб, омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳар бир тармоқ учун белгилаб олиш яхши самара беради. Вилоятда фойдаланишга қониқарли деб топилган ерлар майдони 2019-2023 йиллар давомида 219,85 минг гектардан 211,55 минг гектарга камайган. Фойдаланишда қониқарсиз деб топилган ерлар майдони ҳам 15,14 минг гектардан 12,80 минг гектарга, яъни 2,34 минг гектарга камайган. Суғориладиган ерларнинг фойдаланишга қониқарсизлигининг асосий сабабларидан бири, бу сизот сувлари сатҳи кўтарилиб, ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб бораётганлигидир. 2023 йил маълумотларига кўра, суғориладиган ерларда туپроқ балл бонитети бўйича яхши ерлар 56 %ни, қониқарли ерлар 41 %ни ва 3%ини қониқарсиз ерлар ташкил этади.

⁹ Муаллиф томонидан таклиф этилган.


Қашқадарё вилоятида 2019-2023 йилларда суғориладиган ерларнинг
мелиоратив ҳолати таҳлили¹⁰

Йиллар	Умумий суғориладиган майdon минг.га	Шу жумладан ерларнинг ҳолати:								
		Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз		Қониқарсиз ҳолат сабаби, минг га		
		минг.га	%	минг.га	%	минг.га	%	ССС кўта- рилган ерлар	Шўр- лан- ган ерлар	ССС ва шўрла- ниш бўйича ерлар
2019	514,65	279,56	54	219,85	43	15,14	3	5,22	9,76	0,16
2020	514,11	279,67	54	219,41	43	15,03	3	5,43	9,39	0,21
2021	513,97	283,85	55	215,25	42	14,87	3	5,65	9,09	0,13
2022	513,50	286,21	56	214,50	42	13,10	2	5,70	7,22	0,18
2023	513,50	289,15	56	211,55	41	12,80	3	5,65	7,02	0,13
Фарқ, (+;-)	-1,15	+9,59	+2	-8,3	-2	-2,34	0	+0,43	-2,74	-0,03


Изоҳ: СССР-сизот сувлари сатҳи

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолати бўйича мавжуд муммоларни ўрганиш мақсадида 210 та фермер хўжаликлари раҳбарлари билан анкета сўровнома ўтказилди. Унга кўра, тупроқ шўрланиш даражасининг ҳолати бўйича 40 та (19%) фермер хўжаликларида кучли, 88 та (42%) фермер хўжаликларида ўртача, 34 та (16%) фермер хўжаликларида кучсиз ва 23% фермер хўжаликларида эса ерлари шўрланмаганлиги аниқланди (3-расм).

Фермер хўжалигининг ер майdonларининг тупроқ шўрланиш даражаси қандай?



Фермер хўжалигининг ер майdonларининг сизот сувлари сатҳи баландлиги қанча?



3-расм. Фермер хўжаликларида ер майdonларининг шўрланиши ва сизот сувлари сатҳининг жойлашуви¹¹.


Жумладан, Китоб, Муборак, Нишон ва Қарши туманларида суғориладиган ерларнинг 58%и турли даражада шўрланган, атиги 42% ерлар

¹⁰ Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва Аму-Қашқадарё ИТХБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

¹¹ Ўтказилган сўровнома натижалари бўйича муаллиф томонидан тузилган.

шўрланмаганлиги аниқланди. Демак, вилоятнинг ушбу туманларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, вилоятнинг Китоб, Муборак, Нишон ва Қарши туманларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичи жуда паст даражада эканлиги аниқланди (4-расм).

Хўжалигингизда қандай ресурстежамкор технологиялардан фойдаланилапти?



4-расм. Фермер хўжаликларининг ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичи¹².

“Хўжалигингиз фаолиятида қандай ресурстежамкор технологиялардан фойдаланасиз?” деган саволга шўр ювишнинг инновацион усули бўйича 10%, сувтежамкор суғориш усулларида 20%, ерга ўғитлар беришда 40% ва ерларни лазерли текислашда 45% фермерлар фойдаланган. Демак, мелиорация ва ирригация ишларини ўз вақтида ресурстежамкор технологиялар жорий этиш орқали амалга ошириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, суғориш сувлари танқислигини юмшатишга имкон берди. Пировардида эса, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилиб, иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши таъминланди.¹³


Диссертация ишининг “**Суғориладиган ерларда мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувлар ва истиқболли йўналишлар**” деб номланган учинчи бобида шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини шўрга чидамли, тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшиловчи ва ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий самара берувчи серҳосил экинлардан фойдаланиш ҳисобига мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда “фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш механизми” тавсия этилди. Иқлим ўзгариши шароитида тупроқ унумдорлигини оширишнинг иқтисодий-математик моделларини қўллаш орқали суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг прогноз кўрсаткичлари баҳоланди.

Суғориладиган экин ерларининг тупроқ унумдорлигини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини рақамлаштириш ва замонавий янги технологиялар жорий этиш шароитларига мослаштиришга доир, бизнингча, ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ омилларини инобатга олган ҳолда қуйидаги энг муҳим устувор йўналишларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бу

¹² Ўтказилган сўровнома натижалари бўйича муаллиф ишланмаси.

¹³ Аму –Қашқадарё ИТХБ матбуот хизмати маълумоти, 10.12.2023 й.

йўналишлар ўз навбатида суғорма ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаб, улардан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ва хўжаликлар даромадини оширишга асос яратади (5-расм).



5-расм. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг устувор йўналишлари¹⁴.

Тупроқларнинг шўрланиш ҳолатларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқотлар олиб борган олимлар томонидан шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун тавсия этилган фитомелиорантлар, яъни, ширинмия ўсимлигини экиш орқали ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтиришга эришиш мумкинлигини таъкидлаш лозим. Бу ўсимлик нафақат ерларнинг шўрланишини пасайтиради балки, унинг илдизидан фармакологик ва озиқ-овқат саноати учун қимматли хомашё сифатида фойдаланиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, ширинмиянинг фойдали хусусиятларини инобатга олган ҳолда шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва чорва моллари учун оқсилга бой озуқа етиштиришнинг экологик - иқтисодий самарадорлигини қуйидаги йўналишлар бўйича баҳолашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида, ушбу йўналишлар бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида таклиф этилган.

ва уларни амалиётга самарали жорий этиш, агротехник хусусиятларига кўра, тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутди (6-расм).

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш	Ширинмияни қўллашдан олдин ва кейин тупроқдаги туз миқдорини аниқлаш.
	Ширинмиядан фойдаланиш харажатларини анъанавий мелиорация харажатлари билан таққослаш.
Ижтимоий ва экологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш	Ширинмиядан фойдаланишнинг бандлик, қишлоқ тараққиёти ва маҳаллий аҳоли фаровонлигига таъсирини ўрганиш.
	Тупроқ сифатини яхшилаш ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг экологик афзалликларини баҳолаш.
Хулоса ва тавсияларни шакллантириш	Олинган маълумотларни барча жиҳатларни (физик-кимёвий, биологик, иқтисодий, ижтимоий) ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш.
	Маҳаллий шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида ширинмиядан мақбул фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.
Ширинмиянинг тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини баҳолаш	Ширинмияни қўллашдан олдин ва кейин тупроқдаги туз миқдорини аниқлаш.
	Тупроқнинг рН, органик моддалар, азот, фосфор ва бошқа озик моддаларидаги ўзгаришларни баҳолаш.
Ширинмиянинг биологик таъсирини баҳолаш	Ширинмиянинг тупроқ микроорганизмлари ва ўсимликлар қопламнинг биохилма-хиллигига таъсирини ўрганиш.
	Ширинмиянинг ҳаводаги азотни бириктириш ва тупроқни органик моддалар билан бойитиш қобилятини таҳлил қилиш.
Ширинмиянинг экинларни ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини баҳолаш	Ширинмиядан фойдаланган ҳолда мелиорация қилинган ерларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини баҳолаш.
	Ширинмиядан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлган маҳсулот сифати (масалан, озуқавий таркиб) ўзгаришини таҳлил қилиш.

6-расм. Ширинмия ўсимлигидан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тизими¹⁵.

Шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ширинмия ўсимлигининг экологик ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади, яъни:

$$EIs = \frac{ShEK - MX}{ShHT + MX} \times 100$$

Бу ерда: **EIs**- экологик-иқтисодий самарадорлик даражаси, %;

ShEK- ширинмия экилгандан кейин шўрланган ерларда ҳосилдорликнинг ошиши, кг/гада (ҳосилдорликни ошиши сўм ҳисобига олинади);

MX- майдон бирлигига тўғри келадиган мелиоратив харажатлар (шу жумладан қизилмияни жорий этиш харажатлари), сўмда;

¹⁵ Илмий тадқиқотлар асосида муаалиф таклифи

ShHT- 1 га ерга тўғри келадиган ширинмия ҳосилининг таннархи, сўмда.

